Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

13 июль, пайшанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда.
№ 133 (1135)

# ҚИШЛОҚ АҲЛИНИ, ЁШЛАРНИ БОҚИМАНДАЛИК КАЙФИЯТИДАН ХАЛОС ЭТИШ, УЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК, ИШБИЛАРМОНЛИК ИШТИЁҚИНИ УЙҒОТИШ ЗАРУР

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги раҳбари ўринбосари Томас Дайнни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб, мамлакатимиз ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлашга тайёрлигини таъкидлади. Бу алоқаларни мустаҳкамлашда жаноб Томас Дайн раҳбарларидан бири бўлган агентлик ҳам сезиларли ҳисса қўшаётганини айтди.



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Томас Дайн АҚШ ҳукумати Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганини айтди. У ташрифи давомида мамлакатимиздаги бир қанча вазирликлар ва идоралар раҳбарлари билан музокаралар ўтказгани, Нукусдаги экология муаммолари билан яқиндан танишгани ҳақида сўзлаб, ушбу учрашувлар келгусидаги ҳамкорлик учун яхши замин бўлажагини таъкидлади.

Суҳбат чоғида иқтисод, сиёсат, молия, экология ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

(ЎзА).

## ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази кенгашининг йиғилиши бўлди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Марказ раҳбари Эркин Юсупов аризасига кўра вазифасидан озод этилди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов марказ раҳбари этиб сайланди.

Йиғилишда Президент давлат маслаҳатчиси Ҳ. Жўраев нутқ сўзлади, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов қатнашди.

(ЎзА).

• *Хусусийлаштириш — давр талаби*

## БИРДАНИГА УЧТА ФЕРМА СОТИЛДИ

**Бу воқеа республикада учинчи бўлиб Зарбдор туманида ўтказилган «Ким ошди» савдосида рўй берди**

***Режага кўра, туманда шу йилнинг биринчи ярмига қадар 2 миллион сўмлик, иккинчи ярмида эса яна шунча миқдордаги иншоотлар хусусийлаштирилиши лозим эди. Февраль ойида ўтказилган дастлабки аукционда олтита савдо дўкони, еттита автотранспорт воситаси сотилди.***

Май ойида эса олтита дўкон, сомсахона, қаҳвахона, иккита автотранспорт, биттадан клуб ва қишлоқ врачлик амбулаторияси ўзининг янги эгаларини топди. Туманда ташкил этилган сўнгги «Ким ошди» савдосида эса учта йирик ферма сотувга қўйилди. Натижада йиллик хусусийлаштириш режаси олти ой ичида бажарилди. 4 миллион сўмлик ўрнига 9 миллион 207 минг сўмлик иншоотлар сотилди.

Туман ҳокимлиги, унинг хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими, хўжаликлар ва ташкилотлар раҳбарларининг Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 мартдаги «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга татбиқ этиш мақсадида республикамизда учинчи бўлиб бир йўла учта йирик чорвачилик фермасини «Ким ошди» савдоси орқали сотиши муҳим воқеага айланди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Бўтабек Турсунмуродовнинг таъкидлашича, чорвачилик объектларининг «Ким ошди» савдосидаги ўзига хослиги шундаки, давлат хўжалигига қарашли мазкур фермалар аввал ширкат хўжалигига, сўнгра ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганди. Демак, мулк шакли ўзгаришининг учинчи босқичини ўтаган ушбу фермаларга эгалик қилмоқчи бўлган шахслар мулк қийматининг дастлабки ўн фоизини Кўчмас мулк биржасига эмас, балки хўжалик хазинасига тўлайди. Мулкнинг давлат тасарруфидан аллақачон чиқиб кетганлиги шуни тақозо этади.

Хуллас, қизғин баҳслар, тортишувлар билан ўтган «Ким ошди» савдосида «Тараққиёт» ширкатлар уюшмасининг «Шаҳристон» жамоа фермасини Лапас Йўлдошев 600 минг сўмга, «Андижон» ширкатлар уюшмасининг чорва фермасини Улуғбек Тошбоев 3 миллион 150 минг сўмга, Й. Қурбонов номли ширкатлар уюшмасининг фермасини Босим Усанов 2 миллион 100 минг сўмга сотиб олдилар.

Савол туғилади: фермалар сотилди, бундан кейин моллар зоти бузилиб кетмаслигига, сут ва гўшт ишлаб чиқариш кўпайишига, чорвадорнинг моддий манфаатдорлиги яхшиланишига кафолат бўладими? Бу саволимизга туман ҳокими Илҳом Пардаев қуйидагича жавоб берди:

— Фермаларни сотиб олиш учун четдан харидор изламадик. Ўша ернинг ўзида ишлаётган мутахассисларга сотдик. Бир неча ой давомида фермалар тўлиқ «инвентаризация»дан ўтказилди. Ҳар бир қорамол, жумладан, сигир ва бузоқ зотига, маҳсулдорлиги ва ёшига қараб турлича баҳоланди. Бино, техника воситалари, ер майдони баҳолари ҳам оқилона белгиланди. Ҳар бош шартли мол учун ажратилган 0,45 сотих ерни «Энди хусусий бўлдинг», деб олиб қўймаслиги учун туман ҳокимлиги, хўжалик раҳбарияти, хусусий ферма раҳбари ўртасида беш йиллик шартнома тузилди. Ҳатто касаба уюшмалари хусусий ферма чорвадорлари манфаатини ҳимоя қилишлари ҳам шартномада аниқ кўрсатилган. Бу билан биз хусусий мулк эгасига ҳам ёрдам берамиз, ҳам ундан иш талаб қиламиз.

«Ферма хусусийлаштирилди, энди иш яхши кетадими?» деган саволимизга жавобан туман деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси Бурҳон Тошбоев бундай деди:

— Маълумки, фермалар давлат тасарруфида бўлганида ҳам, кейинчалик улар ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганида ҳам мулкка хўжасизлик муносабатидан, боқимандалик кайфиятидан тўлиқ воз кечилди, деб айтолмаймиз. Уни сотиб олган «хўжайин» эса муносабатини бир зумда ўзгартирди. Беданинг биринчи ўримиданоқ хашак жамғаришга, ғаллага ўроқ тушган заҳоти сомонини ташиб олишга, экиндан бўшаган майдонларга дарҳол озуқа учун такрорий ва оралиқ экинлари экишга киришиб кетди.

Бир сўз билан айтганда, улар «ферма — давлатники, ферма — жамоаники» деган иллатлардан воз кечиб, «ферма ўзимникику, ишласам ўзим учун, оилам учун ишлайман-ку» қабилида иш кўра бошладилар. Шунинг ўзиёқ хусусий фермаларда катта ўзгаришлар бўлишидан дарак беряпти.

Илоҳим, шундай бўлсин. Зеро, халқни хусусий фермалар, тадбиркорлар боқади. Улардан умид, манфаат катта.

**Ҳ. НАБИРАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Ж. Серэкс раҳбарлигидаги Швейцария Қизил хоч жамияти делегацияси Оролбўйидаги экология вазияти билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистонда бўлди.

Меҳмонлар сафар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков билан учрашди. Учрашув чоғида У. Аширбеков Оролбўйи минтақасидаги аҳвол, тиббий хизмат тармоқлари фаолияти ва аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Швейцариялик меҳмонлар оролбўйиликларга амалий кўмак беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Б. Жуманиёзов, Ўзбекистон Республикаси Қизил ярим ой жамияти марказий қўмитаси раиси Ў. Воҳидова иштирок этди.

(ЎзА).

## ТЎҚИМАЧИЛАРНИНГ БОРДИ-КЕЛДИСИ

***Яқин ўтмишимизда ҳам соҳадош корхоналар, ташкилотларнинг ўзаро борди-келдиси яхши анъанага айланиб қолган эди. Лекин сўнгги уч-тўрт йил ичида бу қадрли анъанага деярли эътибор берилмайдиган бўлиб қолганди. Фарғона ва Бухоро шаҳарларидаги тўқимачилик корхоналари мазкур анъанани тиклашга жазм қилдилар.***

Фарғона вилоятидаги енгил саноат корхоналарининг энг тўнғичи тўқимачилик комбинати меҳнаткашлари таклифига биноан ёш бухоролик тўқимачилар бир неча кун давомида водийликларнинг меҳмони бўлишди. Улар комбинат ишчилари ҳаёти ва ишлаб чиқаришдаги фаолиятлари билан яқиндан танишдилар. Ўзаро фикрлашувлар, касбга оид суҳбатлар, ишлаб чиқаришдаги тажриба алмашишлар бухороликларда яхши таассурот қолдирди.

Шуниси эътиборга сазоворки, ташриф фақат ишлаб чиқариш тармоқлари билан боғлиқ бўлиб қолмай, иккала корхона ёшлари зукколик ва қувноқлик бобида ҳам беллашдилар. Фарғоналиклар меҳмонларга халқимизга жуда манзур бўлган «Маъриф ва Шариф» кинокомедиясидаги образлар орқали қизиқарли саҳна томошаларини тортиқ қилишди. Меҳмонларнинг чиқишлари ҳам тўқимачилар саройига тўпланган кўплаб ишқибозлар ёдида узоқ сақланиб қоладиган бўлди.

Энди август ойида фарғоналик тўқимачилар Бухорога ташриф буюришади.

**С. НАБИЕВ.**

## ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОН КЎРГАЗМАСИ

Франциянинг қадимий шаҳарларидан бири Клермон-Ферранда 7 июль куни «Ипак йўли» номли кўргазма очилди. Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси, шаҳар ҳокимлиги ҳамда юртимиз шайдоси Жан-Марк Эм ҳамкорлигида ташкил этилган бу кўргазмада ўзининг ажиб нафосати билан хорижлик сайёҳлар эътиборини жалб этиб келаётган Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси, Регистон майдони, Бухородаги Лаби Ҳовуз ансамбли, Хивадаги мадраса ва кўкка бўй чўзган миноралар, Тошкентдаги замонавий бинолар, бир сўз билан айтганда, ота-боболаримиз бизга қолдирган бебаҳо мерос, халқимизнинг бугунги бунёдкорлик меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар намойиш этилмоқда.

Кўргазмадан шунингдек, қадимий гиламлар, ҳунармандчилик буюмлари, ўзбек миллий либослари ҳам кенг ўрин олган. Ўзбек гиламлари Францияда жуда машҳурлигини, хусусан, Манге хоним раҳбарлик қилаётган Клермон-Ферран гиламлар музейи ўзбекистонлик гиламдўзлар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятида эканини таъкидлаш жоиз.

Кўргазма 2 ой давом этади. Шу вақт ичида 10 мингдан зиёд киши кўргазмага ташриф буюриши кутилмоқда.

(ЎзА).

## ИШТАРХОНДА ШУНДАЙ КОРХОНА БОР

Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги билан Болгариянинг «Вено» фирмаси Ёзёвон туманидаги Иштархон қишлоғида «Меҳнат» қўшма корхонасини ташкил этди. Зарур дастгоҳлар Болгариядан келтирилди. Бунинг учун қарийб 9 миллион сўм сарфланди. Ҳозир корхонада 27 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. Бу ерда асосан турли қалинлик ва ўлчамдаги тўрт хил плёнка ишлаб чиқарилади. Йил давомида 4 миллион погонометр маҳсулот тайёрланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қўшма корхонани барпо этиш сарф-харажатлари саккиз ойда қопланади.

(ЎзА).

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Самарқанд вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда 1995 йил биринчи ярмида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилишни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов бошқарди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов йиғилишда нутқ сўзлади.

* * *

Хоразм вилояти фаолларининг ҳам ана шу масалага бағишланган йиғилиши бўлди. Унда вилоят ҳокими М. Жуманиёзов сўзга чиқди.

(ЎзА).

* * *

Фарғона вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Вилоятда 1995 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ислоҳотларнинг бориши якунлари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокими М. Исломовнинг маърузаси тингланди.

Фаоллар йиғилишида кун тартибидаги масала юзасидан қарор қабул қилинди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Бухорода иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва ярим йиллик якунларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни вилоят ҳокими М. Раҳмонов бошқарди.

Йиғилишда бу борада муайян силжишларга эришилганини қайд этиш билан бирга, корхоналар рақобатбардош маҳсулотларни кам ишлаб чиқараётгани, натижада омборларда сифатсиз маҳсулот тўпланиб қолаётгани, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан гўшт, сут, тухум етиштириш камайганига эътибор қаратилди. Бу камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси Ў. Исмоилов йиғилишда сўзга чиқди.

* * *

Андижон ва Жиззахда ҳам ана шу масалага бағишланган йиғилиш бўлди. Йиғилишларда — Андижонда вилоят ҳокими Қ. Обидов, Жиззахда эса вилоят ҳокими А. Тошкенбоев нутқ сўзлади.

## ИСЛОҲОТЛАР ЖАДАЛЛИКНИ ТАҚОЗО ҚИЛАДИ

Наманганда бўлиб ўтган вилоят фаоллари йиғилиши қатнашчилари вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг боришини, халқ хўжалиги тармоқларининг биринчи ярим йилликдаги иш якунларини кўриб чиқдилар. Иқтисодий истиқболни белгилаш ва статистика органларининг Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига янгича ёндошув ҳақидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди.

Йиғилиш иштирокчилари корхона фаолиятининг асосий самараси — ялпи маҳсулот эмас, балки бу маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигидан иборат бўладиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлашди. Бу истеъмол бозорини турли хил мол ва хизмат билан тўлдиришга кўмаклашади. Йиғилишда, шунингдек, вилоят иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш, кишиларнинг турмуш даражасини кўтариш учун барча имкониятларни ишга солиш хусусида ҳам сўз юритилди.

Фаоллар йиғилишини Наманган вилояти ҳокими Б. Рапиғалиев бошқарди.

(ЎзА).

• *Фармон ва ижро*

## СЎМИМИЗ ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

***Президентимизнинг шу йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси ички алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага оид қарорига кўра, хорижий валюталарни алмаштириш чоғида фуқароларнинг паспортига белги қўйиш ва бошқа турли хил чеклашлар бекор қилинди. Хўш, ана шу фармон ва қарор жойларда қандай амал қилмоқда? Бу саволга жавоб топиш ниятида пойтахтдаги бир неча валюта алмаштириш шаҳобчаларида бўлдик.***

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Юнусобод туманидаги пул алмаштириш пунктидамиз. Навбат кутувчилар деярли йўқ. Кассир аёлга валюта сотиб олмоқчилигимизни айтдик.

— Марҳамат, қанча доллар керак? Фақат паспортингизни кўрсатсангиз... — деди у, мулойим оҳангда.

Кассирга ҳужжатимизни кўрсатиб мақсадимизни тушунтирдик.

— Кўриб турганингиздай қарор кучга кирганидан буён, шаҳобчамиз олдида узундан-узун навбатда туришлар йўқ. Ҳар ким зарур миқдордаги хорижий валютани амалдаги расмий қийматига мувофиқ сотиб олиши ёки сотиш мумкин.

Шу пайт навбатдаги мижоз Татьяна Лукащенко келиб, 100 доллар олмоқчилигини билдирди.

Унинг илтимоси ҳеч қандай расмиятчиликларсиз, бир зумда қондирилди.

У аёлдан қарорнинг ижроси ҳақидаги фикрини сўрадик.

— Биласизми, — деди у, — бундан бир неча ой аввал валюта сотиб олиш ниятида бир неча пул алмаштириш пунктларига мурожаат қилгандим. Лекин муродим ушалмади. Чунки ўшанда хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг мижозлар ҳатто июль ойи учун рўйхатга ёзилишган экан. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд сўмни эркин муомаладаги валютага алмаштиришнинг чекланган миқдорини олиб ташлаш тўғрисида»ги қарорини газетада ўқидиму, пулимни қўлтиқлаб тўғри шу ерга келдим. Ва қарорнинг амал қилаётганлигига тўла ишонч ҳосил қилдим.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Юнусобод бўлими бошқарувчиси А. Хидировнинг таъкидлашича, шу куни тушликка қадар шаҳобчада аҳолига 332 Америка доллари сотилибди. Мижозларнинг аксарият қисми, тижорат операцияси учун хорижий моллар харид қилиш, чет элга саёҳатга чиқиш ниятидаги кишилар экан.

— Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг шаҳобчамизда навбат кутувчиларнинг сони кескин камайди, — дейди Миллий банкнинг Мирзо Улуғбек туманидаги пул алмаштирув шаҳобчасининг смена кассири Г. Абдиева. — Аҳоли кунига ўрта ҳисобда 4000—5000 сўмлик валюта харид қилмоқда.

Пойтахтимизда ишлаб турган бошқа валюта алмаштириш пунктларида бўлганимизда ҳам вазият ўз ўрнига тушганлигини кўриш мумкин. Энг муҳими — пул алмаштирув шаҳобчаларида одамларнинг узундан-узун навбатда турганликларини учратмайсиз. Бу ерда ҳеч қандай асаббузарликларсиз пул алмаштириб, қайтаётган одамларнинг юзидан қандайдир мамнунликни илғагандек бўласиз.

— Буларнинг ҳаммасини мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги, ички бозорларимизнинг маҳсулотларга сероблиги, республикамизда чет эл сармоясининг жадаллик билан кириб келиши ва мавжуд маҳаллий корхоналарнинг экспорт-импорт қувватининг ошганлиги, пировардида республикамиз валюта заҳирасининг етарли даражага чиққанлигининг самараси деб тушунмоқ лозим.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Иқтисодиёт чорраҳаларида*

# ЭРТАНИНГ ШИРИН ТАШВИШЛАРИ

**Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши сессиясидан кейинги қайдлар**

***Депутатлар вилоят марказий банки бошқарувчиси Муталиб Мирзаевнинг маърузаси тугагандан кейин ҳам анча вақт минбарда ушлаб туришди. Унга турли бурчаклардан берилган саволларнинг ҳаммаси иқтисодий ислоҳотнинг бош ричаги — пул муомаласи, банклар ўртасидаги ўзаро алоқалар каби муаммолар билан боғлиқ эди.***

Бош банкир депутатларнинг ҳақли, ҳаққоний саволларидан анча терга ботди. Халқ ноибларининг куйинганича бор. Фарғона вилояти республикамизда ўзини ўзи маблағ билан қоплайдиган, давлатдан қарз олмай иқтисодиётини ривожлантираётган, ҳаётни тебратаётган ягона вилоят ҳисобланади. Республика бюджети маблағининг тўртдан бир қисмини ҳам фарғоналиклар етказиб бераяпти. Бу нефтни қайта ишлаш, химия, енгил саноат гигантлари Фарғонада жойлашганлигининг маҳсули, албатта. Лекин айни шу ҳол мулкни хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқаришнинг фоиз даражаси ўсишига маълум даражада салбий таъсир кўрсатяпти. Чунки биз юқорида тилга олган йирик иншоотлар асосан давлат тасарруфида қолади. Вилоят ҳокими Мирзажон Исломовнинг сессиядаги маърузасида ҳам шу муддао таъкидлаб ўтилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишга доир чора-тадбирлар аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилди. Бозор муносабатларини шакллантириш юзасидан олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларга кенг йўл берилиши ўз самарасини кўрсатди. Халқ хўжалиги тармоқларида мулкчиликнинг янги шакллари кенг миқёсда ривожланиб, такомиллашиб бормоқда, мулкка бўлган муносабат кескин ўзгармоқда.

Вилоят бўйича нодавлат корхоналар ва ташкилотларнинг салмоғи 77,4 фоизга етди. Бугунги кунда уларнинг умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидаги улуши 50 фоизни ташкил этмоқда. Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида эса 374 та, шу жумладан, 50 та объект белгиланган дастур бўйича хусусийлаштирилди.

Тасдиқланган режага асосан, бу йил вилоят бўйича 5000 та, шу жумладан, биринчи ярим йилликда 2805 та кичик ва хусусий корхона ташкил этилиши керак. Ушбу топшириқ тўрт ойда вилоятда 1135 тага бажарилгани, Бағдод ва Фарғона туманларида атиги 12, Қува туманида 19, Учкўприк ва Ёзёвон туманларида 27 фоиз уддалангани, очиғини айтиш керак, айрим шаҳар ва туман ҳокимликлари кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш ишлари билан жиддий шуғулланмаётганини кўрсатмоқда. Ишга муносабат шундай давом этадиган бўлса, бу ҳудудларда белгиланган режанинг бажарилиши даргумон бўлиб қолади.

Бу борадаги асосий камчилик шуки, жойларда иқтисодий ислоҳотлар етарли даражада амалга оширилмаяпти, энг муҳими — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришда сусткашлик, лоқайдликка йўл қўйилаётир.

Вилоятда 308 та ҳиссадорлик жамияти ташкил этилган бўлиб, унинг 245 таси адлия бошқармасида руйхатдан ўтган. Ҳиссадорлик жамиятларининг истиқболи қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, уларни сотиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва энг самарали хўжалик юритиш ишлари билан боғлиқдир. Бироқ ҳозиргача улардан 96 таси ёки 31,2 фоизи миллий депозитарийда сақланадиган тарзда ёзувлари марказлаштирилган акциялар, 17 таси ёки атиги 5,5 фоизи махсус бланка шаклидаги акцияларни чиқаришди, холос. 94 та ҳиссадорлик жамияти эса бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрганлари йўқ. Натижада уларнинг аъзоларида «Акциянинг ўзи йўқ, у қандай фойда келтиради?» деган тушунча ҳали пайдо бўлмаган. Ахир, корхонада мулкчилик шаклини ўзгартиришдан мақсад унинг самарасини жамоа аъзоларига кўрсатиш эмасми? Ахир, ишловчи фойдасини билсагина ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, мулкка бўлган муносабатини кескин ўзгартириши мумкин. Ислоҳотдан мақсад ҳам шу.

Вилоят бўйича 63 та ҳиссадорлик жамияти адлия бошқармасида рўйхатдан ўтмасдан, фаолият кўрсатиб келаяпти. Сўх туманидаги пойафзал фабрикаси 1994 йил 30 сентябрда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганлиги тўғрисида ордер олган бўлишига қарамай, ҳалигача ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмаган, акция чиқариш тўғрисида эса ўйлаб ҳам кўрмаган. Бундай аҳвол Фурқат туманидаги ип-йигирув фабрикасида, «Ўзкимёсервис» тармоғидаги 5 та, «Ўзагроқурилиш» тармоғидаги 16 та корхона, «Тиббиёттехника» ва Қувасой шаҳридаги цемент ишлаб чиқариш уюшмаларида ҳам ҳукм сурмоқда. Вилоят ҳиссадорлик матлубот уюшмаси тизимидаги 131 та ҳиссадорлик жамиятининг бирортаси эса ҳалигача акцияларини сотганлари йўқ. Бу ишга Данғара, Фурқат, Тошлоқ, Сўх, Риштон, Қува, Бешариқ ва Охунбобоев туманларида ҳам совуққонлик билан қаралаяпти.

Вилоят бўйича йил охиригача 32 млн. сўмлик, шу жумладан, иккинчи чоракда 8 млн. сўмлик акцияларнинг сотилиши ташкил этилиши лозим эди. Лекин шу мақсадда тузилган инвестиция компанияси бу ишни уддалай олмаётир.

Қимматли қоғозларни сотишни кенг тарғибот қилиш — давр талаби. Вилоятда бу юмушни жойига қўяётган ҳиссадорлик жамиятлари бор. Масалан, «Фарғонасут» ҳиссадорлик жамиятида ўтган йил якуни бўйича ҳар минг сўмлик акцияга 3054 сўмдан тўловлар (дивидент) ҳисоб-китоб қилинди. Бу дегани — ҳар бир ҳиссадор 2-3 та акцияга эга бўлса, 6-9 минг сўмдан зиёд дивидент олди. Бундай фойдали иш Фарғона шаҳридаги 64-автокорхонада ҳам амалга ошириляпти. Кўриниб турибдики, иқтисодий ислоҳотга астойдил киришилган жойда унинг дастлабки мевалари татиб кўрилди.

Бугун иқтисодиётда, ишлаб чиқаришда энг катта тўсиқ бўлиб турган масалалардан яна бири ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга ошмаётганидир. Шундай корхоналарнинг раҳбарлари борки, ўз истеъмолчиларининг молиявий аҳволини суриштирмай, уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотларини етказиб туришибди. Оқибатда улар ўзларига тегишли пулни ундира олмай, ходимларига ўз вақтида иш ҳақини тўлай олмаяптилар.

Вилоят бўйича шу йилнинг тўрт ойида 16 миллиард сўмлик дебитор қарзлари мавжуд бўлиб, унинг 15,7 млрд. сўми республика ичидаги ва 300 млн. сўми республикадан ташқаридаги қарзлардир. Дебитор қарзларини ундириш устидан етарлича ишлар олиб борилмаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида бундан кейин дебиторлик қарздорликка йўл қўйган корхона ва хўжалик раҳбарларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари кўрилади.

Шунингдек, айрим тижорат банклари томонидан корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағларини кредит ресурси сифатида бериш ҳолатларига барҳам берилгани йўқ. Натижада ҳисоб рақамида пули бор ташкилот ва корхоналар ҳам ўз маблағларини ўтказа олмай, сарсон-саргардон бўлмоқдалар. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, баъзи бир тижорат банкларидаги қўли эгри кимсалар ўз ҳамёнларини ўйлаб, корхоналарнинг маблағларини бошқа мақсадларга ишлатиб юрибди. Оқибатда бу корхоналар «айбсиз айбдор» бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар билан ҳам шафқатсиз курашмоғимиз лозим.

Бугунги кунда «Вилоятсаноатсавдо» концерни тасарруфидаги корхоналардаги аҳвол ҳам ташвишли. Ушбу тармоқда хусусийлаштириш ўтган йили якунланган эди. Бироқ иш услуби ҳамон эскича қолаяпти. Чунки бултур корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати фақатгина маҳсулот таннархининг ортиши ҳисобига ушлаб турилди.

Вилоят автотранспорт тармоғида эса иқтисодий ислоҳотлар борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Дастурга асосан, бирлашма тизимидаги 5 та юк ташиш автокорхонаси ва ишчилар таъминот бўлими хусусийлаштирилди. Бирлашма бўйича умумий рентабеллик даражаси 47,3 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда бирлашма томонидан йўловчи транспорти тарифларини пасайтириш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда Фарғонада қишлоқ хўжалик ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархини белгилашдаги номутаносибликни тугатиш жабҳасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари мунтазам ошириб борилди. Бугунги кунда пахта ва ғалладан бошқа барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари эркин нархларда сотилмоқда.

Жамоа хўжаликларининг иш юритиш шакли ҳам ўзгармоқда. Хусусан, Риштон туманидаги А. Навоий номли, Ёзёвон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари деҳқон (фермер) хўжалигига айлантирилди. Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» фермер хўжалиги базасида ҳиссадорлик уюшмаси ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда Тошлоқ туманидаги 7 та хўжаликни ҳиссадорлар уюшмасига, бир хўжаликни эса деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмасига айлантириш устида иш олиб борилмоқда.

Бешариқ туманида эса пахтани қайта ишлаш заводи ҳамда хўжаликлар базасида агрофирма тузиш ишлари олиб борилмоқда. «Мевасабзавотузумсаноат» вилоят бирлашмаси тугатилиб, унинг ўрнида 5 та агрофирма тузилди. Шунга қарамасдан, боғлар ва токзорларни хусусийлаштириш борасидаги ишлар режадагининг 30 фоизини ташкил этяпти, холос.

Машина-трактор паркларидан фойдаланишни яхши йўлга қўйиш, хусусий фермалар, деҳқон (фермер) хўжаликларига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада машина-трактор станциялари тузиш тўғрисида»ги қарори чиққач, Тошлоқ туманида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди. Бу, албатта, қишлоқ хўжалик техника ва машиналаридан фойдаланишни яхшилашга хизмат қилади.

Вилоят ғаллакорлари, айниқса, катта меҳнат эвазига бу йил ғаллазорларда мўл ҳосил етиштирдилар. Бунга ўтган йил куз фаслидаёқ пухта замин ҳозирланган эди. Вилоят бўйича 62 минг гектардан ортиқроқ майдонга сараланган, тозаланган ғалла уруғи сепилди. Бу 1994 йилдагига қараганда 7 минг гектар кўп. Бу йил вилоятда гектаридан ўртача 35 центнердан ҳосил олиб, жами 217 минг тонна ғалла етиштириш мўлжалланганди. Амалда эса режа республикада биринчи бўлиб бажарилди. Агар ҳосилдорлик 40 центнердан оширилса, вилоятда дон мустақиллигига тўла эришилади. Ғалла ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омиллари эса сара, юқори ҳосилли уруғни танлай билиш ва деҳқоннинг матонатли меҳнатидир.

Эртанинг бу ширин, реал режалари уддаланишига шак-шубҳа йўқлигига депутатлар музокаралар асносида мурод ҳосил қилиб, ишонч билдирдилар.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати.**

# МУҚАДДАС СЎЗ

***Гўдак дунёга келди... Унинг қалбларни тўлқинлантириб юборгувчи ингичка, аммо тангри таоло иноят этган майин овози илк бор атрофга таралди. Митти қаро кўзлар ён-верига каттаоларга хос бўлмаган ғайри шуурий бир ташналик билан жавдираб боқади.***

Гўдак кўзларидан неларни уқмоқдасиз? Бутун вужудингизни нигоҳга айлантириб тикилинг — ул жажжи юзда не ифода зоҳир? Бу ўткинчи дунёю асаббузар ташвишларни бир зум унутиб, шифтга термулганча турган чақалоқнинг ҳис-туйғуларига айланинг... Балки дераза қаршисида бўй чўзган азамат чинор шамолдан эмас, унинг фаришта қўнган юзига қарамоққа ботина олмай ҳаяжондан титраб кетгандир? Балки у жамики нарсаларни ўзи сингари жонли тасаввур этаётгандир. Йўқса гўдак дераза узра бунчалар маъноли боқмас эди...

Ана, у минг бир хил жилвали товушлардан туйғулари жунбушга келиб, кўкда чарх ураётган қушларни кузатмоқда, она тупроқдан униб чиққан ўт-ўланларни кўрмоқда, шу юртнинг оромбахш ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олмоқда! Ҳа, гўдак ўз Ватани билан танишаётир, тоза нигоҳи ила заминга сўзсиз салом йўллаётир. Кўнгилда неки эзгу тилак бор эрса, шу меҳмонга бағишланг, дўстлар — юртнинг фидойиси, ўзбекнинг паҳлавони бўлсин!..

Одам қаерда туғилса шу жойга меҳр қўяди, дейишади. Рост. Бу меҳр ўхшашсизлиги, рангинлар ичра рангинлиги, бетакрорлиги билан ягонадир. Қанча уринмайлик ушбу ҳиссиётнинг асл моҳиятини тушуниб етолмаймиз, аммо юртни озгина кўрмасак, уни қўмсай бошлаганимизни сезамиз, холос. Айни шу сабабдан ҳам инсоннинг киндик қони тўкилган жойгина унинг чексиз муҳаббатига сазовор бўлади.

РИВОЯТ. Бир қараганда бош-кети йўқдек туюлувчи улкан саҳронинг чеккасидаги тепаликда қароқчилар тўдаси яшар экан. Кунларнинг бирида улар катта карвонни қўлга тушириб, ўзларига улкан имо-рат қурдирмоқ ниятида савдогару ҳунармандлардан иборат ҳисобсиз асирларни қурилишга сафарбар этишибди. Орадан ойлар ўтиб иморат битай деб қолганда, қароқчилар бошлиғининг олдига кийимлари юпун, озиб-тўзиб кетган бир асирни олиб келишибди.

— Иморатга ундан ўзга кўнглингдагидек нақш ўя олмагай бек, — дебди қароқчилардан бири асирга ишора қилиб. — Лекин ишлашдан бош тортаётир.

— Сабаб, — сўрабди бек ундан.

— Кетишга ижозат бер! Юртимни соғиндим, бек...

— Йўқ, — дебди бек. — Сен бизга жуда кераксан, эй наққош! Кўнглинг не истаса, айт, муҳайё қилурмиз. Хоҳласанг жавоҳир ол, фақат ватанингни унут!

— Бойликларинг юрагимдаги соғинч алангасининг тафтини боса олмагай, ахир.

— Бу ўткинчи ҳис, эй наққош! Менинг олтину жавоҳирларимнинг эса санаб саноғига етолмайсан.

Наққош асабий бош чайқаб дебди:

— Сен умринг бўйи дайдийсан, карвон талайсан. Қайда тунасанг, ватаним шунда дея ўйлайсан. Чунки қалбинг бўм-бўш. Бек, энди айтчи, бутун одамларинг билан бирлашиб ҳам юртим тупроғидан лоақал бир ҳовучининг зарраларини ҳисоблай оласанми? Йўқ! Ҳолбуки улар беҳисобдир...

Наққошнинг бу сўзлари бекни чуқур ўйга толдирибди. Анча вақт ўтгач, ниҳоят, узоқ давом этган сукутни унинг ҳаяжонли овози бузибди:

— Шу дақиқаданоқ озодсан!..

Ҳа, Ватан беқиёс бир сеҳрдирки, кишини ўзига тортмасдан қўймайди. Қуш парвозсиз яшай олмаганидек, одам юртсиз хотиржам ҳаёт кечира олмайди. У чексиз бир хотиржамлик, туганмас ҳузур-ҳаловатдир. Йўқса, Бобур олисда оҳ чекмаган, жаҳон кезган бобомиз Амир Темур барча гўшалардан жаннатмакон Самарқандни афзал билмас, Усмон Носир, Беҳбудий, Чўлпон ва Қодирийлар юртим дея ўзларини чўққа урмас эдилар. Халқимизнинг маърифатпарвар адиби Абдурауф Фитратнинг «Миррих юлдузига» номли шеърида ўша даврда жимжитлик бағрини парчалаб момогулдуракдек янграган шундай сатрлар бор:

*Борми сенда бутун дунё тузугин,*
*Ўз қопчиғин тўлдирғали бузғанлар?*
*Борми сенда бир ўлкани ёндириб,*
*Ўз қозонин қайнатгувчи қоқонлар!*

Буларнинг ҳаммаси озодлик ва муҳаббат, эътиқод ва меҳрни ўзида жам этувчи муқаддас сўз — Ватанга садоқат рамзидир.

Ўқитувчимизнинг бир гапи ҳали-ҳали ёдимдан чиқмайди: «Ҳарбий хизматга борганимда уйни шу қадар соғингандимки, ҳатто ҳовлимизда ўсган каттагина терак, доим унинг тагида турадиган эски самовар тушларимга кириб чиқарди. Бир сафар онамга «Ҳовлимиздаги теракнинг баргидан уч-тўрттасини конвертга солиб юборинг» деб хат ҳам ёзган эдим...

Рости, ўшанда биз ажабланган эдик. Баъзи болалар «домла латифа айтаяптилар, чоғи» дегандай бир-бирларига кулимсираб қараганлари ҳам эсимда. Балки онаизор ўғлининг «...уч-тўртта япроқни конвертга солиб юборишни унутманг», деган сўзларини ўқиб биз каби ажабланмагандир? Балким ўқитувчимиз қовжирай бошлаган япроқларни конвертдан олаётиб йиғлаб юборган, ҳойнаҳой, холи жой топиб ҳеч кимга кўрсатмай уни кўзларига суртиб, узоқ ҳидлагандир?

Ҳар бир сўзнинг маъно турланиши, жаранги ва ниҳоят киши қалбида ҳаяжон уйғотувчи ўз сеҳри бўлади. Имон, Дўстлик, Виждон, Армон... Бундай сўзларни яна давом эттириш мумкин. Уларни эшитганда ўзингизни бошқача ҳис қиласиз, вужудингиз дафъатан энтикиб тушганини сезмай қоласиз. Онгингиз айрича бир йўсинда қабул қилувчи Ватан сўзи ҳам шундай. У баайни майда тошлар орасидаги гавҳар, барча эзгуликларни ўзида акс эттирувчи ягона муқаддас Сўздир!

**Ойбек ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДИЛ ДИЛГА ЯҚИН

***Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси етти йил муқаддам «Наврўз» театр жамоаларининг фестивалини ўтказиш ташаббусини бошлаган эди. Бу ташаббусни қадимий Туркистон ҳудудида жойлашган қардош республикаларнинг театр арбоблари бажону дил қўллаб қувватладилар.***

«Наврўз» фестивали туфайли театр соҳасидаги ҳамкорлик кучайди. Зеро, анжумандан кўзда тутилган мақсад ҳам шу эди. Ижодий мулоқотлар, баҳс ва изланишлар ўз самарасини берди. Янги-янги асарлар яратилди. Кейинчалик бу спектакллар хорижий мамлакатларда ҳам шуҳрат қозонди.

— Бу йил ҳам Ўзбекистон театр жамоалари анъанавий «Наврўз» фестивалини ўтказди, — дейди халқ артисти, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг президенти Бернора Қориева. — Унда вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан ўн тўрт ижодий жамоа иштирок этди. Анжуман мамлакатимиз театр жамоалари ўртасида ўтган бўлса-да, қардош республикалар билан ижодий ҳамкорлик унутилгани йўқ. Хусусан, туркманистонлик таниқли режиссёр Авлиё Қулиев Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрида «Саҳродаги аёл» спектаклини тайёрлаб, томошабинларга ҳавола этди. Театр шу асар билан Харьковда ўтказилган халқаро анжуманда қатнашиб, катта муваффақият қозонди.



Яқинда Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси котибияти санъаткору ижодкорларни бир-бирларига яқинлаштирувчи халқаро «Наврўз» фестивалининг нуфузини кўтариш, уни яна минтақавий анжуманга айлантириш мақсадида Марказий Осиё мамлакатларининг театр арбоблари уюшмалари ва жамоат ташкилотларига мурожаат этди. Театр анжуманини «Туркистон — она юртимиз» умумий шиори остида ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

Театр жамоаларининг яна бир анъанавий анжумани бор. У ҳам бўлса қўғирчоқ театрларининг халқаро фестивалидир. Ҳар икки йилда ўтадиган бу анжуманда барча Марказий Осиё республикалари фаол қатнашади. Шу йилнинг октябрь ойида у бешинчи маротаба Тошкентда ўтказилади.

Фестиваллардан мақсад — театрларда миллийликни тиклаш, бадиий талқинларни такомиллаштириш, шу билан бирга санъат воситасида халқларни яқинлаштиришдир. Бу йўлда анчагина ютуқларга эришилди. Марказий Осиёдаги ҳар бир театр ўзининг миллий руҳини ҳис қила бошлади. Энг асосийси, театр соҳасидаги мезон аниқланди. Саҳнада ўзимизнинг қозоқ, қирғиз, туркман, тожик биродарларимизга яқин бўлган қаҳрамонларимизни кўра бошладик. Чунки бизнинг урф-одатларимиз, удумларимиз ҳам бир-бирига ўхшаш. Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони», Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» асарлари асосида яратилган спектакллар Марказий Осиёнинг барча республикаларида мамнуният билан қўйилишининг боиси ҳам шунда. Улуғбек ҳақидаги спектаклимизни Қозоғистон ёки Қирғизистонга олиб борсак, олқишлар билан кутиб олиниши муқаррар. Ёки қозоқ санъаткорлари яратган «Абай» спектакли бизнинг ҳам дилимизга яқин.

Театр соҳасида ҳамфикрлик, ижодий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида баъзи мулоҳазаларимиз бор. Мамлакатимиз театрининг режиссёрлари қардош драматурглар асарларига тез-тез мурожаат этиб турса, улар билан ижодий мулоқотни янада мустаҳкамласа, яхши бўлар эди. Айниқса, илгари ўтказиб турилган ёш драматурглар минтақавий семинарини тиклаш лозим. Шу семинарлар чоғида янги асарлар билан танишиш, ўзаро асарлар алмашиш мумкин бўларди. Бир неча йил муқаддам Марказий Осиё республикалари ўртасида мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган эди. У республикаларда театр саҳнасини ривожлантиришга анча салмоқли ҳисса қўшганди. Бундай яхши анъаналар тикланса, театр санъатини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлар эди.

Хуллас, халқимиз бир экан, театрларимиз ҳам бир-бирисиз яшай олмайди. Ана шу оддий ҳақиқатни дилга жо этиб ишлаш барчамизнинг бурчимиздир.

**(ЎзА).**

# ФЕРМАЛАР МУЛКДОРЛАРГА ЎТДИ

Мулк эгасини топгандагина ишда силжиш, меҳнатда унум бўлади. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришнинг энг қулай йўли мулкни эгаларига топшириш эканлиги аён бўлиб қолди. Андижон туманида бир йўла 5 та жамоа хўжалиги сут-товар фермаларини кимошди савдосига қўйилди. Чўлпон номли хўжаликнинг сут-товар фермасига дастлабки баҳо 4.801287 сўм белгиланганда, айримлар ажабланишди. Лекин бу ердаги 551 бош қорамол зотли, чорвачилик бинолари замонавий эди. Мулкнинг бозори чаққон бўлди. Хўжалик ўрамида яшовчи Абдумажид Туркбоев сўнгги нуқтани қўйди. Мулкни 8,5 млн сўмга сотиб олди. Умуман кимошди савдоси кўзда тутилгандан ҳам чўғлироқ натижа берди. Жами фермаларнинг бошланғич нархи 19 млн. 655 минг сўм бўлган бўлса, кимошди савдосида у 31 млн. 290 минг сўмга кўтарилди. Куни кеча Балиқчи туманида ҳам сут-товар фермалари мулкдорлар ҳукмига ҳавола этилди. Эндиги гап ишни юритишда.

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





***Сайхунобод туманидаги Турсунмат Ғуломов номли жамоа хўжалиги чорвадорлари боқишаётган 711 бош қорамолнинг 260 боши соғин сигирлардир. Шу кунларда ҳар бош сигирдан 9-10 кг сут соғиб олинаяпти. Йилнинг биринчи ярмида давлатга 150 тоннадан зиёд гўшт топширилди.***

***СУРАТЛАРДА: (чапдан) чорвадорлар К. Нишонов, А. Боймўминов, Ж. Мирзабеков, М. Турғунбоевлар; (пастда) А. Мамадалиев молларни озиқлантираяпти.***

**У. УСМОНОВ олган суратлар.**

• *Гиёҳвандлик — иллат*

# «ҚОРА ЛОЛА-95»



Гиёҳвандлик бутун жаҳон миқёсидаги муаммо. Уни истеъмол қилган одам борлиқни унутади, охир оқибатда оғу қурбонига айланади. Шу боис ҳам бу оғуни етиштириш ва истеъмол қилиш қонунда қатъий таъқиқланган. Лекин қонунлар устиворлигини тан олгиси келмай, мўмай даромад дардида бу жиноий кўчага кириб қолганлар орамизда учраб турибди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан ўтказилган «Қора лола -95» тадбири чоғида кўкнори етиштириш билан шуғулланаётган бир қатор кимсалар аниқланди: жумладан Тўрақўрғон туманини Сайрам оқсоқоллар йиғини тасарруфидаги Набиев жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи, 1961 йилда туғилган Руҳитдин Қаҳҳоров ҳеч қандай фойдали меҳнат билан шуғулланмаслигига қарамай, уйидаги пиёз орасига 140 туп кўкнори экиб парваришлаётгани аниқланди ва ашёвий далил сифатида қўлга олинди. Шунингдек, Косонсой тумани Кўкимбой қишлоғилик нафақадаги онахон уйидаги кўкатлар орасида 560 туп, Норин тумани Ҳаққулобод шаҳар С. Адашев кўчаси 46-уйда яшовчи нафақахўр Исмоилова Гулшанбиби ҳовлисидаги саримсоқ пиёз орасига 180 туп кўкнори экилганлиги аниқланди.

Мингбулоқ туман Олтинкўл қишлоқ кенгаши ҳудудида яшовчи нафақахўр Тошбоева Собирахон ҳам уйидаги кўкатлар ичи «бўш қолмасин» учун 51 туп кўкнор ўстираётган экан...

Бу кўкнори ўсимликлари йўқ қилиб юборилди.

**Х. ХОЛМИРЗАЕВ,**
**вилоят ИИБ ходими.**
**Наманган.**

• *Хабарлар*

## ДЕҲҚОН ҚУВОНЧИ

Қизилтепа туманидаги Қ. Қобилов номли жамоа хўжалигида барча деҳқонлар ўз томорқа хўжаликлари майдонларига ғалла экканлар.

И. Ҳожиев, С. Очилов, С. Бердиев кабилар ўз оила аъзолари билан томорқаларидан юқори ҳосил олиб, оила бюджетига яхшигина даромад келтирмоқда. Шуниси қувончлики, Қизилтепада бундай деҳқонлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

**Э. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ФАБРИКАДА МУЧАЛ ТЎЙИ

Шаҳрисабздаги пиллачилик фабрикасида корхонада меҳнат қилаётган ота-оналарнинг 61 нафар фарзандининг мучал тўйи ўтказилди. Ота-оналар қувончи бутун фабрика жамоасининг қувончига айланиб кетди.

Мучал тўйи ўтказилган болаларнинг ҳар бири номига жамғарма банкида омонат дафтарчалари очилиб, минг сўмдан пул қўйилди.

— Фабрика маъмурияти томонидан болалар номига қўйилган маблағ келгусида уларнинг шаклланишида кўмак бўлса ажабмас, — дейди Шаҳрисабз шаҳар ҳокими Азим Зайнутдинов.

**П. ГАДОЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• *Ҳамкасбларимиз байрами*

# МАЪРИФАТНОМАНИНГ НУРАФШОН ЙЎЛИ

***Газета — ноширлик йўли — маърифат йўли. Воҳа меҳнаткашларининг отахон газетаси — «Хоразм ҳақиқати»нинг шонли йўли буни яққол ифода этади. Унинг илк сони Хоразмдаги долғали инқилоб даври — 1920 йилнинг 8 мартида нашр этилганди.***

Газетанинг дастлабки ва кейинги сонларини чоп этишга ўзбек матбаачилиги кашшофларидан бири Отажон Абдолов бош-қош бўлган. Ноширлик фаолиятини 1874 йили бошлаган бу муътабар инсон Хоразмда «Отажон босма» номи билан машҳур бўлганлигини одамлар то ҳануз айтиб юришади.

Воҳа қаламкашларининг ажойиб вакиллари жамлаган мазкур жамоа ҳозирги кунда истиқлолимиз ғоялари, демократиямиз тамойиллари, ҳур Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини изчиллик билан тарғиб этмоқда. Элюртнинг маънавий баркамоллиги йўлида қилинган самарали хизмат эса ҳамиша қадри-қимматини топаяпти. Газетанинг муносиб мукофотлари сони бу йил яна биттага кўпайди. Вилоят халқ депутатлари кенгаши ва ҳокимлигининг газетаси мамлакатимиз халқ хўжалиги, илму фани ва маданий ҳаётини ёритиш борасидаги муносиб фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ҳамкасбларимиз куни кеча ажойиб сана — газетанинг илк сони чоп этилганлигининг 75 йиллигини тантанали нишонладилар. Газета тўйига вилоятнинг ҳамма шаҳар ва туманлари, шунингдек, қардош Туркманистон ва Қорақалпоғистондан ардоқли меҳмонлар ташриф буюришди.

Газета жамоаси, фаоллари ва муштарийларини вилоят ҳокими М. Жуманиёзов, жамоатчилик вакиллари, ижодкорлар самимий табрикладилар. Президентимиз И. А. Каримов имзо чеккан Фахрий ёрлиқ жамоага тантанали вазиятда топширилди. Тўй соҳиблари ўзларининг шаънига айтилган дил сўзларини истиқболдаги эзгу ишлар, жўшқин фаолият учун фарзу-қарз, мажбурият сифатида қабул қилдилар.

**А. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

